

22110006082402-сонли лотга

**299-сонли
ШАРТНОМА**

Тошкент шаҳри

“10” июнь 2022 й.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (бундан буён матнда Буюртмачи деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 февралдаги 146-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тўғрисидаги Низом асосида иш юритувчи вазирнинг биринчи ўринбосари У.Шарифходжаев шахсида, бир томондан ва “**KOLORPAK**” масъулияти чекланган жамияти, (бундан буён матнда Ижрочи деб юритилади) устав асосида иш юритувчи Мирзахмедов М.А. шахсида, иккинчи томондан (бундан буён матнда алоҳида қўлланганда Томон ва биргаликда қўлланганда Томонлар деб юритилади) мазкур шартномани тендер комиссиясининг 2022 йил 2 июнядаги Умумий ўрта таълим ташқилотлари учун умумтаълим фанларидан дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни харид қилиш 7-синф 8-лотга мувофиқ қуйидагилар хақида тузишди:

I. Шартноманинг предмети

1.1. Ижрочи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ умумтаълим муассасалари учун мазкур шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган дарсликлар, дафтарлар ва ўқув методик қўлланмалар (бундан буён матнда **дарсликлар** деб юритилади)ни шартноманинг шартлари асосида чоп этиш хизматларини кўрсатиш (бундан буён матнда **чоп этиш** деб юритилади) мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Ижрочининг хисоб-рақамига бажарилган ишлар учун мазкур шартнома шартларига мувофиқ маблағни ўтказиб бериш мажбуриятини олади.

1.2. Мазкур шартномага асосан Ижрочи шартноманинг иловасида келтирилган дарсликларнинг техник тафсилотларига мувофиқ қуйидаги дарсликларни чоп этади:

300410860262667096421218001 шахсий ғазначилик ҳисоб-варафи бўйича:

| Т/р | Дарсликларнинг номи | Син-фи | Таълим тили | Адади | Бир донасининг нархи ҚҚС билан | Умумий суммаси ҚҚС билан |
|--------------|---------------------|--------|-------------|----------------|--------------------------------|--------------------------|
| 1 | Она тили (дарслик) | 7 | ўзбек | 329 398 | 29 256,00 | 9 636 867 888,00 |
| 2 | Она тили (дарслик) | 7 | ўзбек | 208 689 | 29 256,00 | 6 105 405 384,00 |
| 3 | Она тили (дарслик) | 7 | рус | 79 514 | 33 515,60 | 2 664 959 418,40 |
| 4 | Она тили (дарслик) | 7 | корақолпоқ | 12 930 | 35 501,65 | 459 036 334,50 |
| 5 | Она тили (дарслик) | 7 | қозоқ | 5 727 | 38 450,25 | 220 204 581,75 |
| 6 | Она тили (дарслик) | 7 | киргиз | 841 | 39 776,20 | 33 451 784,20 |
| 7 | Она тили (дарслик) | 7 | тожик | 8 343 | 38 129,40 | 318 113 584,20 |
| 8 | Она тили (дарслик) | 7 | туркман | 1 189 | 26 766,25 | 31 825 071,25 |
| 9 | Ўзбек тили | 7 | рус-кардош | 106 304 | 27 250,40 | 2 896 826 521,60 |
| жами: | | | | 752 935 | | 22 366 690 567,90 |

300410860262777096413218001 шахсий ғазначилик ҳисоб-варафи бўйича:

| Т/р | Дарсликларнинг номи | Син-фи | Таълим тили | Адади | Бир донасининг нархи ҚҚС билан | Умумий суммаси ҚҚС билан |
|-----|---------------------|--------|-------------|--------|--------------------------------|--------------------------|
| 1 | Она тили (дарслик) | 7 | ўзбек | 37 606 | 29 256,00 | 1 100 201 136,00 |

| | | | | | | |
|--------------|--------------------|---|------------|---------------|-----------|-------------------------|
| 2 | Она тили (дарслик) | 7 | ўзбек | 26 525 | 29 256,00 | 776 015 400,00 |
| 3 | Она тили (дарслик) | 7 | рус | 6 577 | 33 515,60 | 220 432 101,20 |
| 4 | Она тили (дарслик) | 7 | қорақолпоқ | 1 410 | 35 501,65 | 50 057 326,50 |
| 5 | Она тили (дарслик) | 7 | қозоқ | 581 | 38 450,25 | 22 339 595,25 |
| 6 | Она тили (дарслик) | 7 | қиргиз | 81 | 39 776,20 | 3 221 872,20 |
| 7 | Она тили (дарслик) | 7 | тожик | 1 125 | 38 129,40 | 42 895 575,00 |
| 8 | Она тили (дарслик) | 7 | туркман | 114 | 26 766,25 | 3 051 352,50 |
| 9 | Ўзбек тили | 7 | рус-қардош | 9 788 | 27 250,40 | 266 726 915,20 |
| жами: | | | | 83 807 | | 2 484 941 273,85 |

II. Шартноманинг умумий суммаси ва тўлов шартлари

2.1. Мазкур шартноманинг умумий суммаси **ҚҚС билан 24 851 631 841,75** (йигирма тўрт миллиард саккиз юз эллик бир миллион олти юз ўттиз бир минг саккиз юз кирк бир сўм 75 тийин) сўмга тенг (бундан буён матнда шартнома суммаси деб юритилади) шундан, 300410860262667096421218001 шахсий ғазначилик ҳисоб-варафи бўйича **22 366 690 567,90** (йигирма икки миллиард уч юз олтмиш олти миллион олти юз тўксон минг беш юз олтмиш етти сўм 90 тийин) сўм, 300410860262777096413218001 шахсий ғазначилик ҳисоб-варафи бўйича **2 484 941 273,85** (икки миллиард тўрт юз саксон тўрт миллион тўккиз юз кирк бир минг икки юз етмиш уч сўм 85 тийин) сўм.

2.2. Шартнома суммаси дарсликларни чоп этиш (оригинал макетдан тайёр маҳсулот - дарслик ҳолатига келтириш) харажатларини ўз ичига олади.

2.3. Буюртмачи шартнома кучга кирган вақтдан бошлаб 30 (ўттиз) календар кун мобайнида ижрочининг банк ҳисоб рақамига шартнома суммасининг 50 (эллик) фоиз миқдорини олдиндан тўлаб бериши лозим.

2.4. Шартнома суммасининг қолган қисмини дарсликларни етказиб берувчи ташкилот томонидан мазкур дарсликларни ижрочининг омборидан олиб чиқиб кетгандан сўнг, тақдим этилган ҳисоб-фактура ҳамда топшириш ва қабул қилиш далолатномаларига асосан, аванс тўловларини чегириб қолган ҳолда, 90 (тўксон) календар кун ичida буюртмачи томонидан ижрочига тўлаб берилади.

2.5. Тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш кафолати сифатида Ижрочи томонидан Буюртмачининг шахсий ғазначилик ҳисобварафига банк кафолати ёки пул маблағлари кўринишида шартнома суммасининг 1 (бир) фоиз миқдорида мажбуриятни бажарилишини таъминлаши шарт.

2.6. Ижрочи шартнома шартларини тўлиқ бажармаганда, буюртмачи томонидан унга нисбатан мазкур шартномага мувофиқ ҳисобланадиган неустойкалар (жарима, пеня) ижрочини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг умумий суммасидан ушлаб қолинади.

III. Ижрочининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Ижрочининг ҳуқуқлари қўйидагилардан иборат:

3.1.1. Буюртмачидан техник тафсилотларни ўз вақтида олиш, улар юзасидан аниқлаштирувчи маълумотларни сўраб олиш;

3.1.2. Бажарилган ишлар учун ўз вақтида тўловни амалга оширилишини талаб қилиш;

3.1.3. Шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги учун буюртмачини ўрнатилган тартибда жавобгарликка тортишни талаб қилиш.

3.1.4. Ижрочи буюртмачи мурожаати ёки бозор иштирокчилари талабларига биноан мазкур шартномада кўрсатилган дарсликларнинг умумий ададига қўшимча равиша 10% гача миқдорда ўз ҳисобидан чоп этиши ва бозор нархларида сотиш ҳуқуқига эта.

3.2. Ижрочининг мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:

3.2.1. Дарсликларни мазкур шартноманинг иловаси билан тасдиқланган дарсликларнинг техник тафсилотлари асосида чоп этиш (ижрочи ўзи мустақил равишда шартномада белгиланган ададдан ортиқча чоп этиши тақиқланади);

Бунда, ижрочи оригинал макетларни ўрнатилган тартибда (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 февралдаги 108-сон қарорларига мувофиқ оригинал макетларни тайёрлашга ваколатли бўлган Республика таълим марказидан ишчи (исходный) файлларини электрон шаклда) олган ҳолда чоп этишга рухсат олиш учун Буюртмачига дарсликларнинг 3 (уч) та ранги сигнал нусхасини тасдиқланган ҳолда топшириш;

(Изоҳ: Тасдиқлаш – нашрга тайёр бўлган дарсликларнинг оригинал ва таржима макетларини муаллиф(лар), муҳаррир (бош муҳаррир), мусаҳҳих, таржимон, бадий муҳаррир, бош рассом-дизайнер, техник-муҳаррир, Республика таълим маркази директори ва унинг ўринbosарлари, Республика таълим марказининг нашр ишлари бўйича бўлум бошлиги, тегишили бўлум бошлиқлари ва методист-мутахассислари, эксперталар ҳамда ижрочининг раҳбарлари ва тегишили масъул ходимлари томонидан кўриб чиқилиб, имзолари қўйилган ҳолда тасдиқланаб, чоп этиши учун буюртмачига тақдим этиши.

Уибу тартибда тасдиқланмаган дарсликларни чоп этиши мумкин эмас. Томонлар ўз мутахассисларининг имзоларини қўйилишини таъминлайди.)

3.2.2. Дарсликлар учун ишлатиладиган қоғоз ва бошқа хом-ашёларининг сифати ва унинг дизайнни амалдаги қонун хужжатлари талаблари ва меъёрларига жавоб беришини таъминлаш;

3.2.3. Дарсликларни белгиланган (мазкур шартноманинг 5.1.-бандида кўрсатилган) муддат(лар)да тўлиқ чоп этиш.

3.2.4. Дарсликлар матбаа сифатини текшириш бўйича эксперт гурухини тегишили барча маълумотлар билан таъминлаш ва текшириш ўтказишда қатнашиш учун ўз вакилини тайинлаш;

3.2.5. Мазкур шартномага мувофиқ дарсликлар сифатини текшириш бўйича эксперт гурухи томонидан камчиликлари аниқланган дарсликларни шартноманинг иловасида келтирилган техник тафсилотларга тўлиқ жавоб берадиган сифатдаги дарсликларга 15 (ўн беш) иш куни ичida алмаштириш;

3.2.6. Буюртмачи томонидан текширишда аниқланган хато ва камчиликларни тўлиқ тузатиши лозим. Дарсликлардаги аниқланган хато ва камчиликлар тузатилмасдан чоп этилганда, жавобгарлик ижрочи зиммасига юклатилади.

IV. Буюртмачининг хуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Буюртмачининг хуқуқлари қўйидагилардан иборат:

4.1.1. Шартномани амал қилиш муддатида ижроидан дарсликларни чоп этиш жараёни ҳақида маълумотлар олиш;

4.1.2. Ўз вакиллари орқали ижрочининг фаолиятига аралашмаган ҳолда амалга оширилаётган ишларни мониторинг қилиш, чоп этиш жараёнида маҳсулот қисмларининг тайёрланиши бўйича матбаа сифатини назорат қилиш, бу жараёнда камчилик ва нуқсонлар аниқланган тақдирда, ушбу камчилик ва нуқсонларни тузатиш (бартараф этиш) бўйича ижрочини ёзма равишида огохлантириш;

4.1.3. Ўрнатилган сифат ва техник талабларга мос келмаган дарсликларни қабул қиласлик, уларни шартномада белгиланган талабларга мувофиқ дарсликларга алмаштиришни талаб қилиш;

4.1.4. Шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги учун ижроини ўрнатилган тартибда жавобгарликка тортиш.

4.1.5. Буюртмачи Республика бўйича ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан дарсликларни эркин сотиб олиш учун кенг имкониятлар яратиш мақсадида Ижроига мазкур шартномада кўрсатилган дарсликларнинг умумий ададига кўнчимча равишида 10% гача

микдорда ўз хисобидан чоп этиши ва бозор нархларида сотиш юзасидан мурожаат қилиш хукукига эга.

4.2. Буюртмачининг мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:

4.2.1. Ижрочи томонидан тасдиқлаш учун топширилган дарсликларнинг сигнал намунасини 5 (беш) иш куни мобайнида кўриб чиқиб, ўз фикрини билдириш дарсликларни чоп этишга рухсат бериш ёки тегишли ўзгартиришларни киритишни таклиф этиш;

4.2.2. Ижрочининг ёзма хабарномаси ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази экспертининг шартномада белгиланган дарсликнинг санитария-гиёна талабларига жавоб бериши тўғрисида ижобий хulosани олган кундан бошлаб 3 (уч) иш куни ичida дарсликлар сифатини текшириш бўйича эксперт гурухини тайёр дарсликлар сифатини текшириш учун юбориш;

4.2.3. Дарсликлар тайёр эканлигини тасдиқловчи хужжатларни (дарсликлар сифатини текшириш эксперт гурухининг далолатномаси ва ижобий хulosасини) олган кундан бошлаб, 10 (үн) иш куни ичida ижрочи омборхонасидан олиб кетиши чораларини кўриш.

V. Тайёр дарсликларни текшириш, етказиб бериш тартиби ва муддати

5.1. Ижрочи шартномада кўрсатилган дарсликларни шартноманинг 2.3.-бандида кўрсатилган микдорда олдиндан тўлаб берилган кундан бошлаб 60 календарь кун ичida тайёрлаши шарт (ижрочи макетларни аванс тўловлари тўлаб берилгандан кейин олган ҳолатларда ҳар бир макет учун алоҳида кечикирилган кунлар маҳсулотни топшириш муддатларининг охирги кунини белгилашда хисобга олинади).

5.2. Дарсликлар жўнатишга тайёр бўлганда ижрочи буюртмачига тайёр дарсликлар ҳақида тўлиқ ёзма маълумот юбориши ва унда дарсликларнинг номи, адади, таълим тили, шартнома рақами, партия (завод) рақами, 1 дона дарсликнинг оғирлиги (граммда) аниқ кўрсатилиши шарт. Мазкур ёзма маълумот шартноманинг 5.1.-бандида кўрсатилган муддатда, лекин ушбу муддатлар тугашидан камида 3 (уч) иш куни олдин юборилиши шарт.

5.3. Ижроидан ёзма маълумот олинганидан сўнг, буюртмачи дарсликлар сифатини текшириш бўйича эксперт гурухини (кейинги ўринларда эксперт гурухи деб аталади) дарсликларни мазкур шартнома шартларига мослигини текшириш учун юборади.

5.4. Текшириш ижрочи корхонаси ёки омборида ва охирги етказиб берилиши лозим бўлган жойда амалга оширилади.

5.5. Дарсликлар матбаа ижроси талабларига мослиги, уларнинг сифатини текшириш бўйича эксперт гурухи томонидан дарсликларнинг мазкур шартномада белгиланган техник тафсилотлар (техник, дизайн ва спецификация талаблари)га мослиги ҳамда матбаа сифати (босма ва муқовалаш) жиҳатдан буюртмачи томонидан кўйилган талабларга жавоб бериш-бермаслигини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 3 июндаги “Таълим муассасалари учун хавфсиз полиграфия маҳсулотлари ҳақидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш тўғрисида”ги 146-сон қарорига мувофиқ танлаб олиш усули билан текширилади. Танлаб олиш ҳажми, қабул қилишга ва яроқсизликка (брakovkaga) оид сонлар мазкур қарор бўйича аниқланади.

5.6. Эксперт гурухининг 5.5. бандда назарда тутилган текширишлар натижаси эксперт гурухининг маҳсулот сифати ва сонини текшириш далолатномаси билан расмийлаштирилади. Далолатномада дарсликларнинг техник тафсилотлари, сифати ва сонига кўйилган талабларга мувофиқлиги акс эттирилади.

5.7. Маҳсулот сифати ва сонини текшириш далолатномасида мазкур шартномада белгиланган техник тафсилотлар, стандарт талабларига мувофиқ эмаслиги, шунингдек бошқа камчиликлар қайд этилганда эксперт гурухи ўз хulosасини мазкур далолатномада акс эттиради.

5.8. Эксперт гурухи хulosасига асосан Вазирлар Маҳкамасининг 146-сон қарори талаблари ҳамда шартноманинг иловасида келтирилган техник тафсилотларга жавоб бермаган,



ижрочи айби билан йўл қўйилган техник, матбаа сифатига доир хато ва нуқсонллар мавжуд бўлган дарсликлар буюртмачи томонидан қабул қилинмайди ва партия қайтарилади.

VI. Дарсликларни қабул қилиш тартиби ва дарсликларга бўлган мутлақ муаллифлик (ноширлик) хукуқларининг буюртмачига ўтиши

6.1. Дарсликларни қабул қилиш жойлардаги умумтаълим муассасаларида ўрнатилган тартибда тузилган дарсликларни қабул қилиш комиссияси томонидан амалга оширилади.

6.2. Қабул қилиш комиссияси дарсликларда матбаа сифати орфографик, пунктацон, грамматик, стилистик хатолари бўйича камчилик ва нуқсонлар бўлмаган тақдирда, З (уч) кун муддат ичida сифатли дарсликларни топшириш-қабул қилиш далолатномасига асосан қабул қилиши лозим.

6.3. Дарсликларга бўлган мутлақ муаллифлик (ноширлик) хукуқлари буюртмачига ўрнатилган тартибда ўтади.

VII. Бутлаш (упаковка) ва тегишли хужжатлар тақдим этиши

7.1. Ижрочи дарсликларни бутлашда мазкур шартномада кўрсатилган бутлаш шартларига тўлиқ амал қилиши шарт. Дарсликларни бутлаш иши амалдаги стандарт талабларга мувофиқ ҳолда бўлиб, уни жойларга етказиш жараёнида (ортиш, тушириш, ташиш) бутланган дарсликлар титилиб кетмаслиги керак. Дарсликлар солинган ўрамларнинг ҳажми ва оғирлиги ташиш ва кўтаришга қулай бўлиши лозим.

7.2. Ҳар бир ўрамнинг устки қисмида дарсликларнинг номи, адади, таълим тили, синфи, шартнома рақами, партия (завод) рақами, 1 дона дарсликнинг оғирлиги (граммда) тўғрисидаги маълумотлар бўлиши шарт.

VIII. Кафолатлар

8.1. Ижрочи шартномага мувофиқ етказиб бераётган дарсликлар амалдаги конун хужжатлари талаблари ҳамда дарсликларнинг техник тафсилотларида келтирилган барча талабларга тўлиқ жавоб беришини кафолатлади.


8.2. Дарсликлар сифатига бериладиган кафолат муддати умумтаълим муассасасининг ўқувчилари мазкур дарсликлардан фойдаланишни бошлаган санадан 60 (олтмиш) календарь кун давомида амал қиласди.

8.3. Буюртмачи кафолат муддати даврида дарсликлардан хато-камчиликлар ёки нуқсонларни топса ижрочига ёзма хабар беради.

8.4. Ижрочи буюртмачининг ёзма хабарномасини олгач, 30 (үттиз) календарь кун ичida нуқсони бор бўлган дарсликларни ўз ҳисобидан бошқа худди шундай дарсликларга алмаштиради ва шу ишлар билан боғлиқ бўлган барча харажатлар (дарсликларни “Транспорт ва логистика хизмати” ДУКнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар филиалларига қадар етказиш ва нуқсони бор бўлган дарсликларни улардан қайтариб олиб келиш)ни ўз ҳисобидан қоплади.

IX. Форс-мажор ҳолатлари

9.1. Томонлар ўз мажбуриятларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслигига форс-мажор ҳолатлар (форс-мажор ҳолатлари - томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик, ёнғин, сув тошқини, эпидемия, карантин ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, фуқаро тартибсизликлари, эмбарго ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлар) сабаб бўлса жавобгарликдан озод қилинадилар.



9.2. Агар форс-мажор ҳолатлари пайдо бўлса томонлар бир-бирларини ўз вақтида ёзма равишда ушбу ҳолатлар ва уларнинг келиб чиқиши сабаблари тўғрисида форс-мажор ҳолатлар пайдо бўлган кундан бошлаб 3 (уч) календарь кун ичида огоҳ қилишлари шарт. Томонлар бир-бирларига ёзма хабарнома юбориб, шартнома шартларини бажаришнинг бошқа усулларини қидириб, форс-мажор ҳолати тўсқинлик қилмаётган мажбуриятларни бажаришда давом этадилар.

X. Коррупцияга қарши қўшимча шартлар

10.1. Томонлар шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан куйидагиларни кафолатладилар:

- - конунга хилоф равишида пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини;
- - шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини;
- - моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз олинмаганлигини.

10.2. Томонлар улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва томонлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатлари содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

10.3. Томонлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда куйидаги ҳаракатлари бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди:

• - назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солик солиш, божхона расмийлаштирувани амалга ошириш, судда иш кўрилиши, конунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда конунга хилоф равишида тижорат ёки бошқа турдаги устунликка эга болиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишининг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

• - конунга хилоф равишида олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад эканлиги томонларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбани, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усули, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик хукуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга;

• - коррупцияга оид хукуқбузарлик содир қилиш учун тамагирлик қилиш, ундаш, тазиик ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир томон иккинчи томонни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

10.4. Томонлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиласидан шахслар юқоридаги мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазиик ўтказилмаслигини кафолатлади.

10.5. Агар бир томонга бошқа томоннинг коррупцияга қарши қўшимча шартларга оид белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи томонни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши, шунингдек ушбу томондан маълум муддат ичида тегишли чоралар кўрилиши ва амалга оширилган ишлар юзасидан уни хабардор этишини талаб қилиши шарт. Томоннинг бу талаби иккинчи томон томонидан бажарилмаган тақдирда, ушбу томон шартномани бир томонлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

XI. Эътиrozлар ва томонларнинг мулкий жавобгарлиги

11.1. Буюртмачи мазкур шартномада кўрсатилган ижроининг мажбуриятлари ва кафолатларига тегишли бўлган ҳар қандай эътиrozларни ижроига ёзма равишида бериши керак.

11.2. Агар ижрочи дарсликларнинг талабга жавоб бермаслиги ҳақидаги хабарномани олгандан сўнг уни бошқаси билан алмаштиришни ўз вақтида амалга оширмаса, буюртмачи ижрочини ўрнатилган тартибда мулкий жавобгарликка тортиш ҳуқуқига эга.

11.3. Ижрочи мазкур шартноманинг 5.1.-бандида кўрсатилган муддатларда чоп эта олмаса ҳар бир кечикирилган кун учун чоп этилмаган дарсликлар қийматидан 0,4 (ноль бутун ўндан тўрт) фоиз микдорида буюртмачига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси чоп этиб берилмаган дарсликлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

11.4. Буюртмачи чоп этиб берилган китоблар учун ўз вактида тўловни амалга оширмаган ҳолларда ҳар бир кечикирилган кун учун тўланмаган сумманинг 0,4 (ноль бутун ўндан тўрт) фоизи, лекин кечикирилган тўловнинг 50 (эллик) фоизидан ортиқ бўлмаган микдорида пеня тўлайди.

11.5. Ижрочи дарсликларда мазкур шартноманинг 3.2-бандида белгиланган талабларнинг биронтасини бузилишига йўл қўйса, шу хатоларни тузатишга кетадиган харажат қийматини тўлиқ қоплади ва буюртмачи ижроцидан етказилган заарнинг 20 фоизигача жарима ундириб олишга, агар дарсликлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир.

11.6. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган ҳолатларда томонларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунига асосан тартибга солинади.

XII. Шартномани бекор қилиш

12.1. Шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки бекор қилиш фақат томонларнинг ўзаро келишувига асосан ёзма шаклда амалга оширилади.

12.2. Кўйидаги ҳолатларда томонлар ўз мажбуриятларини кўпол равища бузган хисобланади;

12.2.1. Мажбуриятларининг бажарилишини мазкур шартномада белгиланган муддатлардан кечикириган ҳолда бажарса;

12.2.2. Томонлар ёки томон ўзининг мазкур шартномада белгиланган мажбуриятларидан бирортасини бажара олмаса.

12.2.3. Шартноманинг 10.5.-бандида кўрсатилган шартлар бузилса шартнома бекор қилинади.

12.3. Агар ижрочи банкротликка юз тутса, буюртмачи исталган вақтда ижрочига ёзма ҳабар бериш орқали шартномани бекор қилиши мумкин ва ушбу ҳолатда буюртмачи ижрочининг кўрган зиёнини тўламайди.


XIII. Низоларни ҳал қилиш тартиби

13.1. Мазкур шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар, энг аввало, томонларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

13.2. Агар ўзаро тушунмовчиликлар бошланган бўлиб, масаланинг ечими топилмаса, буюртмачи ёки ижрочи Ўзбекистон Республикаси қонунларидан келиб чиқиб, Иктисадий судга мурожаат этишга ҳақли бўлади.

XIV. Якуний қоидалар

14.1. Мазкур шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш фақатгина томонларнинг розилиги билан уларнинг тегишли ваколатли шахслари қўшимча келишувга имзо қўйган тақдирдагина мумкин бўлади.



14.2. Мазкур шартнома томонларнинг ваколатли шахслари имзолаган, Молия вазирлиги ғазначилиги рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амалда бўлади.

14.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, ҳар иккаласи бир хил юридик кучга эга.

XV. Шартномага илова ҳужжатлар

15.1. Мазкур шартномага илова этилган ҳужжатлар унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

15.2. Шартномага дарсликларнинг техник тафсилотлари илова этилади.

XVI. Томонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари

Буюртмачи:

Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлиги

100017. Тошкент ш., Навоий кўчаси, 2а-үй.
Молия вазирлиги Ғазначилиги
x/p 23 402 000 300 100 001 010
ХККМ Марказий банк Бош бошқармаси
МФО: 00014 ИНН: 201 122 919
ш/xр 3004 10 860 26 266 7096 421 218 001
ш/xр 3004 10 860 26 277 7096 413 218 001
ИНН: 201 122 808



Вазиринин
биринчи
ўринбокари

У.Шарифходжаев

Ижрочи:

"KOLORPAK"
масъулияти чекланган жамияти

Тошкент ш., Юнусобод тумани,
Янришахар к., 1а тел.(78)129-29-29
x/p 20208000104376613001
АТ "Алока Банк" МФО 00401
ИНН 205353003 ОКЭД 18110



Директор

М. Мирзахмедов

Юрист
М. Мирзахмедов

[Handwritten signatures]

Дарсликлар, дафтарлар
ва ўқув-методик мажмуаларни
чоп этиш тўғрисидаги
199-сонли шартномага
илова


2022-2023 ўқув йилига умумий ўрта таълим ташкилотлари учун нашр этилиши режалаштирилган умумтаълим фанларидан дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларнинг техник

| T/p | Номда | Дарслик ва ўқув-методик мажмуанинг номи | Синфи | Мажмуанинг номи | Таълим тили | Бичими | Мукова ранги | Матн ранги | Хажми (бети) | Мукова учун ишлатиладиган қоғоз | Матн учун ишлатиладиган қоғоз | Шаффоф эмаслиги | Муковалаш усули | Адади |
|-------------|-------|---|-------|-----------------|-------------|-----------|--------------|------------|--------------|---|--|----------------------|---|---|
| 1 | 1 | Она тили | 7 | дарслик | ўзбек | 60x84 1/8 | 4 + 0 | 4 + 4 | 224 | Оғирлиги 190 g/m ² ли мукова қоғози (целлюлоза картони) дан юмшок мукова ишланади. | Ўқувчи кўзини чарчатмайдиган, вазни енгил, оғирлиги 60,0 g/m ² ли ва оқлиги 84% дан кам бўлмаган (пухлая бумага, пухлость 1,6-2,0,) қоғоздан фойдаланилади. | 84% дан кам бўлмаган | Камида 5 та чок билан тикилган китобнинг босма тобоклари ўзаро бирлаштирилади, корешок хосил килиниб, 2 томони биговкалари тўлик муковага елимланади. Мукованинг орка ва олд томонларидан 5-6 миллиметрли биговка ташланади. Китоб уч томонидан тўғри ва текис кирқилади. | 602 218 ✓ 86 091 ✓ 14 340 ✓ 6 308 ✓ 922 ✓ 9 468 ✓ 1 303 ✓ |
| | 2 | | | | рус | 60x84 1/8 | 4 + 0 | 4 + 4 | 224 | | | | | |
| | 3 | | | | коракалпок | 60x84 1/8 | 4 + 0 | 4 + 4 | 224 | | | | | |
| | 4 | | | | козок | 60x84 1/8 | 4 + 0 | 4 + 4 | 224 | | | | | |
| | 5 | | | | киргиз | 60x84 1/8 | 4 + 0 | 4 + 4 | 224 | | | | | |
| | 6 | | | | тожик | 60x84 1/8 | 4 + 0 | 4 + 4 | 224 | | | | | |
| | 7 | | | | туркман | 60x84 1/8 | 4 + 0 | 4 + 4 | 224 | | | | | |
| 2 | 8 | Ўзбек тили (рус ва кардош тиллар учун) | 7 | дарслик | рус-кардош | 60x84 1/8 | 4 + 0 | 4 + 4 | 176 | Оғирлиги 190 g/m ² ли мукова қоғози (целлюлоза картони) дан юмшок мукова ишланади. | Ўқувчи кўзини чарчатмайдиган, вазни енгил, оғирлиги 60,0 g/m ² ли ва оқлиги 84% дан кам бўлмаган (пухлая бумага, пухлость 1,6-2,0,) қоғоздан фойдаланилади. | 84% дан кам бўлмаган | Камида 5 та чок билан тикилган китобнинг босма тобоклари ўзаро бирлаштирилади, корешок хосил килиниб, 2 томони биговкалари тўлик муковага елимланади. Мукованинг орка ва олд томонларидан 5-6 миллиметрли биговка ташланади. Китоб уч томонидан тўғри ва текис кирқилади. | 116 092 |
| Жами | | | | | | | | | | | | | | 836 742 |



Вазиримни бирорини таъминотлаб
дафтарларни ташкилотларни

У.Шарифходжаев



Директор

Мирзахмедов М.А.
(имзо)